

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)
№ 38310- сонли

Урганч шаҳар

"22" Август 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган болалар махсус мактаб интернати номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Н.Маматова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Тош масжид» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Х.Уразов иккинчи томондан Хоразм вилоят Урганч шаҳар 96-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати газон майдончасини жорий таъмирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйдаги таърифлар қўлланилади;
 - ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлигги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
 - қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
 - вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
 - беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
 - шартнома нархини бўлиб чикиш – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган холда нархларда жами ҚҚС билан 378 000 000 (Уч юз этмиш саккиз миллион) сўмни ташкил этади.
4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:
 - қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгаририлганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
- қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиларини сугурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони кўриклини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қиласи.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган обьект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи обьектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қиласи.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

15. Объектни 30 календарь кунида фойдаланишга топширилиши белгиланади .

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % микдорида аванс ўтказади, бу 113 400 000 (бир юз ўн уч миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 5 банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб тақдим қиласди. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектининг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилга муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларида майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларни қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатси бажарилганинги аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматин кўпайтирасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатдек кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмас: Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узар муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида еткази берилмаслиги билан боялик тухтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чикиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсири килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларида қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиати ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бўйича холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатларни амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервацияни килиш учун кандай чоралар қурилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофикаштирилган барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофикалигини;
- ишларни қабул килиш ва обьектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланганинни камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.
- Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларига ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплади.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг хисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка қунида сабабсиз пудратчининг хисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди;

- шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асосиз равишда қабул қилиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу қабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - шартнома шартларига мувофиқ тайёр холда қабул килиш учун тақдим килинган обьектни асосиз равишда қабул килишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуидаги холларда мулкий жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса , мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечикирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажарип тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - обьектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қиласа ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айборд тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга туғри келса, айборд тамон иккинчи тамонга барча заарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хақлидир.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
50. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.
51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.


52. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хақлидир.
54. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меърий-қонун хужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари кўлланилади.
56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Фазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қиласи.
57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БЮОРТМАЧИ:

«Тош масжид» МЧЖ	Урганч шаҳар 96-сон кар болалар маҳсус мактаб интернати
Манзил: Гурлан тумани, Эшимжийрон кишлоғи	Манзил: Урганч шаҳар, Мустакиллик кўчаси 31 уй
Телефон:	Телефон:
x/р: 2020 8000 1005 1342 2001	x/р: 1000 218 603 340 170 924 000 15001
ИНН: 200210595	ИНН: 201943062 ОКЭД: 85310
Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК" БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ	Молия вазирлиги газначилиги
МФО: 01037	x/р: 2340 2000 3001 0000 1010
ОКЭД: 41202	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

Рахбар  X.Уразов


МЎ



Рахбар  Н.Маматова

МЎ

Хукукшунос 



Хоразм вилоят Урганч шахар 96-сонли кар болалар учун ихтинослаштирилган мактаб интернати газон майдончасини жорий таъмирлаши ишлари бўйича ойлар давомида бажариш графики

№	Объект номи ва манзили	Иш хажм бирлиги. киймати(сўм)	2022 йил учун иш хажм бирлиги киймати (сўм)								
			1 чорак		2 чорак		3 чорак		4 чорак		
Янва р	февр ал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Хоразм вилоят Урганч шахар 96-сонли кар болалар учун ихтинослаштирилган мактаб интернати газон майдончасини жорий таъмирлаши	378 000 000						378 000 000			

Х.Уразов



Н.Маматова

(буюргмачи)



Хоразм вилоят Урганч шахар 96-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ингернати газон майдончасини жөрдөли
тальмирлапшиллари бүйича ойлар давомида молиялаштириш жадвали

№	Объект номи ва манзили	Хажм бирлиги. Киймати(с ўм)	2022 йил учун молиялаштириш киймати(сўм)								
			1 чорак			2 чорак			З чорак		
Январ	Февраль	Март	Апрель	Май	Июн	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
1	Хоразм вилоят Урганч шахар 96-сонли кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ингернати газон майдончасини жөрдөли тальмирлапшиллари бүйича ойлар давомида молиялаштириш жадвали	378 000 000							378 000 000		

Н.Маматова

(Буюргумачи)

Х.Уразов

(пудрагчи)

